


Одамлар мўъжизаларни кўриб ҳам иймонга келмайдилар



19:00 / 13 август 372

عَلَىٰ قَادِرٌ وَالْأَرْضَ السَّمَوَاتِ خَلَقَ الَّذِي اللَّهُ أَنْ يَرَوْا أَوْلَمَ ❁

الظَّالِمُونَ فَأَبَىٰ فِيهِ رَبِّ لَا أَجَلًا لَهُمْ وَجَعَلَ مِثْلَهُمْ يَخْلُقُ أَنْ

كُفُورًا إِلَّا ❁ ٩٩

«Улар осмонлару ерни яратган Аллоҳ уларга ўхшашини яратишга қодир эканини ва улар учун шак-шубҳасиз ажал белгилаганини билмадиларми?! Бас, золимлар куфрдан бошқа нарсадан бош тортдилар» (Исро сураси, 99-оят).

Ўша кофирлар ақлларини ишлатиб, ўйлаб кўрганларида, аввалги оятдаги «Агар суяк ва титилган тупроқ бўлсак ҳам, албатта, янгитдан яратилиб, қайта тирилтириламизми?» деган гапларини айтмас эдилар.

«Улар осмонлару ерни яратган Аллоҳ уларга ўхшашини яратишга қодир эканини ва улар учун шак-шубҳасиз ажал белгилаганини билмадиларми?!»

Борлиқдаги барча мавжудотни ва осмонлару ерни яратган Зотга ўша борлиқдаги кичкинагина заррача ҳисобланган инсонни қайта яратиш нима иш бўлибди!

Аллоҳ улар учун шак-шубҳасиз ажал белгилагандир.

Яратилишлари, ҳаётда бўлишлари, қайта тирилишлари – ҳамма-ҳаммасининг вақти аниқ белгилаб қўйилгандир. Белгиланган ўша ажалдан олдинга ҳам, кейинга ҳам сурилмайди. Айнан ўша белгиланган вақтда бўлади.

«Бас, золимлар куфрдан бошқа нарсадан бош тортдилар».

Улар фақат куфрни ихтиёр қилиб, туриб олдилар. Шунинг учун ҳам ақлларини ишлатиб, ҳақиқатни идрок эта олмадилар.

Эй Пайғамбар, уларга

خَشِيَةَ لَأَمْسَكُمْ إِذَا رَبِّي رَحْمَةً خَزَائِنَ تَمْلِكُونَ أَنْتُمْ لَوْ قُل

قَتُورًا الْإِنْسَانُ وَكَانَ الْإِنْفَاقِ ﴿١٠٠﴾

«Сен: «Агар сизлар Роббим раҳмати хазиналарига эга бўлсангиз ҳам, уни сарфлашдан қўрқиб, мумсиклик қилган бўлар эдингиз. Инсон зоти ўзи зиқна бўлур», - деб айт» (Исро сураси, 100-оят).

Аллоҳ таолонинг раҳмати ва Унинг хазинаси жуда ҳам кенг. Аммо кофирлар – феъли тор, ўзи зиқна кофирлар, фаразан, қўлларига ўша хазина тасарруфи тушиб қолса ҳам, мумсиклик қилиб, тугаб қолади, деб қўрқиб, бировга ундан ҳеч нарса бермас эдилар.

Аллоҳ таоло ана ўша ҳақиқатни кофиру мушрикларнинг юзларига очиқ айтиб, баён қилишни амр этиб:

«Агар сизлар Роббим раҳмати хазиналарига эга бўлсангиз ҳам, уни сарфлашдан қўрқиб, мумсиклик қилган бўлар эдингиз», - деб айт, эй Пайғамбарим», - демоқда.

Ва бу ҳолат ҳамма одамларда ҳам бўлиши мумкин нарса эканига ишора қилиб, сўзининг давомида:

«Инсон зоти ўзи зиқна бўлур», - деб айт», - деб амр қилмоқда. Ана ўша ҳар кимда бўлиши мумкин бўлган мумсиклик сифатини исломий тарбия тўғри йўлга солиши мумкин, холос. Иймон – Исломдан узоқда бўлганлар эса худди ушбу ояти каримада зикр қилинганидек бўладилар.

Юраги тор, бахил, хасис, зиқна одамларнинг қалби ҳам қаттиқ бўлади. Ундай одамлар турли-туман мўъжизаларни кўриб туриб ҳам иймонга келмайдилар. Мисол учун, Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло тўққизта турли мўъжизаларни берди. Аммо кофирлар шунда ҳам иймонга келмадилар.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди